O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 5-iyul • Shanba • 81 (27.886) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Мустақиллик — кўп йиллик асрий курашлар натижасида қўлга киритилган буюк тарихий ютуғимиз, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун эркинлик ва озодлик тимсоли, ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ байрамимиз!»

Ўлкамиз ноз-неъматлари

«AGROMAKS INVEST PLUS»

экспорт ҳажмини оширмоқда

Республикамиз заминида етиштирилаётган турфа мевачева, сабзавоту қовун-тарвузлар таърифи етти иқлимга машҳур. Айниқса, уларнинг витаминларга бойлиги кўп эътироф этилади. Шу боис улар қайта ишланиб, жаҳон бозорлари расталаридан жой эгаллаётир.

Италиянинг замонавий ускуналари ва технологиялари асосида ишлаётган Тошкент вилоятидаги «Agromaks invest plus» агрофирмасида тайёрланаётган томат, турли мева қайлалари пастаси ва бири биридан ширин ҳамда мазали шарбатлар сифати билан қатор хорижий давлатларда аллақачон ўз харидорларини топган.

— Кейинги йилларда хорижий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозланган қатор замонавий қайта ишлаш корхоналари бунёд этилиб, улар мамлакатимиз экспорт айланмасини ўстиришга хизмат қилмоқда, — дейди «Agromaks invest plus» бош менежери Маъриф Мусаев. — Бу мустақилликнинг шарофати, албатта. Лекин кўнглимда бир истак ҳам бор. Аниқроғи, муаммо. Ечими ҳам назаримда қийинмас. Масалан, ҳозир бизнинг агрофирмамиз 2000 тонна томат пастасини ишлаб чиқариб, экспортга юбориши керак. Бунинг учун 12 минг тонна помидор керак бўлади. Оддий хом-чўтга кўра, 1 гектар ердан 35-40 тонна помидор чиқади. Ҳолбуки, агротехнология тавсиясига кўра, 1 гектар ердан 50-70 тонна атрофида помидор олиш мумкин. Биз ўзимизга қарашли ерлардан кейинги йилларда гектар бошига 48-52 тонна помидор олияпмиз. Модомики, шундай экан, агрофирмамиз атрофидан 300 гектар ер бириктирилса ёки фермер хўжалиги сифатида ажратиб берилса, хомашё масаласи ўз-ўзидан ҳал этилган бўларди. Боз устига, 200 тага яқин янги иш ўринлари ҳам ташкил топарди...

Ҳозир корхонада иш қизғин, олиб келинаётган хомашё пешма-пеш қайта ишланмоқда. Ўрик, олма ортилган автотранспорт воситалари вилоят хўжаликларидан тинимсиз келиб турибди.

Бу йил салкам 2 миллион АҚШ долларига тенг миқдоридаги шартномаларга эгамиз, — дейди Маъриф Мусаев гапида давом этиб. — Экспортга 3,5 минг тонна тайёр маҳсулотлар чиқаришни мўлжаллаб турибмиз...

Суратларда: *агрофирма фаолиятидан лавҳалар.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БОРАСИДАГИ ЕТАКЧИ ДОНОР-ДАВЛАТЛАР САФИДА

2008 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганига 60 йил тўлади. Яқинлашиб келаётган ушбу муҳим санадан роппа-роса бир йил илгари, яъни 2007 йил 10 декабрда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Луиза Арбур жорий йил мобайнида бу байрам муносабати билан ўтказилажак кампаниянинг бошланганини эълон қилган эди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг «Инсон қадр-қиммати ва адолат барчамиз учун» деган бош шиори остида БМТ Бош котиби ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси раҳбарлигида БМТ тизимидаги бошқа агентликлар, шунингдек маҳаллий ва халқаро ҳамкорлар иштирокида ўтказилаётган мазкур тадбир доирасида декларация қабул қилинганининг 60 йиллигини биргаликда нишонлаш тўғрисида маълум қилинганди.

Ушбу мурожаатни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Бу муҳим воқеа муносабати билан яқинда юртимизнинг Женевадаги БМТ тузилмалари ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхонасига БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Луиза Арбур хоним томонидан йўлланган мактуб келиб тушди. Унда БМТ Бош котиби ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ташаббусига ижобий ёндашилгани учун ҳукуматимизга миннатдорлик билдирилади.

Ўз мактубида Олий комиссар 2008 йил биринчи ярмида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси юбилейини нишонлаш борасидаги халқаро кампанияга жаҳоннинг 21 давлати ихтиёрий бадал ажратганини хабар қилади.

Л.Арбурнинг қайд этишича, жорий йил 24 июнь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 60 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан бошланган халқаро кампанияга ҳисса қўшган донор-давлатлар рўйхатида етакчи ўринни эгаллаган.

Мактубда Олий Комиссар ташкилот мурожаатига ҳануз жавоб бермаган мамлакатларни бундай тадбирларни амалга оширишга, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз ифодасини топган эзгу ғояларга эришиш йўлидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва бошқа давлатлардан ўрнак олишга чорлаган.

«Жаҳон» АА
Женева шаҳри

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

ИШ ЎРИНЛАРИ

яратиш ва академик лицей, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини муқим иш жойи билан таъминлаш Бухоро вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади

Бугун Бухоро вилоятида турли фанларга ихтисослашган 5 та академик лицей ва 57 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Ўрта таълим муассасаларини ҳар йили қарийб ўн икки минг нафар ўқувчи битиради. Уларни иш билан таъминлаш устувор вазифалардан биридир.

Бу вазифани ўз вақтида ҳал этиш мақсадида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда ЎзХДП вилоят кенгаши, унинг «Истиқбол» ёшлар қаноти ўзаро ҳамкорликда фаолият юритяпти. Ҳамкорлар ўқув йили якунланиши арафасида жойлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари билан бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этди. Бунда, айниқса, Шофиркон туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотининг фаолияти самарали бўлди.

— Ярмаркада асосан касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари иштирок этди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази директори, партиямиз фаоли Баҳриддин Тўраев. — Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалик, маиший хизмат коллежлари битирувчиларига тумандаги 66 та корхона, ташкилот ва муассаса 338 та бўш иш ўрнини тақдим этди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан тумандаги корхона ва ташкилотларда яратилиши мажбурий бўлган 271 та, қўшни туманларда мавжуд 156 та бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумот ҳам битирувчиларга тақдим этилди. Натижада 200 нафардан ортиқ битирувчи муқим иш ўрнига эга бўлди.

— Ярмаркада иштирок этганимиз жуда фойдали бўлди, — дейди Шофиркон Иқтисодиёт коллежи битирувчилари Фотима ва Зуҳра Эргашевалар. — Энг асосийси, биримиз туман йўл қурилиши корхонаси, иккинчимиз «Ўзагросуғурта» компанияси туман бўлимида ишлайдиган бўлдик. Бу биз ёшларга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Бухоро туманидаги 4 та касб-ҳунар коллежини 864 нафар йигит-қиз битирди. Ўтказилган меҳнат бозорларида 400 дан зиёд битирувчи ўз иш жойига эга бўлди. Қолганлари эса таълимнинг кейинги босқичини давом эттиришга жазм қилишган.

— Галаосиё педагогика коллежини битирдим, — дейди Зулфизар Абдуллаева. — Ярмарка ҳақида «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари хабар беришди. Унда иштирок этиб, кўпгина тенгдошларим қатори мен ҳам ишли бўлдим. Энди ўзим севган касб билан шуғулланиб, 3-мактаб ўқувчиларига сабоқ бераман.

— Бундай тадбирлар орқали партиямиз ёшларга таянишини намоён этдик, — дейди вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Ҳусен Жумаев. — Бу эса ўз самарасини берди. Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасидан олинган маълумотга кўра, бу йил академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини 11969 нафар йигит-қиз битирган. Шулардан 7632 нафари маълум иш жойига эга бўлди. 148 нафар битирувчи ўз бизнесини ташкил этмоқчи. 1530 нафар битирувчи олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқчи, 1551 нафари бошқа соҳада ишлашга қарор қилган. Биз улар билан ҳамкор, ҳамнафасмиз, демак, келажакда улар бизнинг сафимизда бўлади. Партиямизнинг дастурий мақсадларидан бири шундан иборат.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи «Абдулазиз» хусусий фирмасида замонавий ноёб қурилиш ашёси — пеноблок тайёрлаш йўлга қўйилди.

СИФАТЛИ, ҚУЛАЙ ВА АРЗОН

Маҳсулотни харидорлар катта қизиқиш билан харид қилмоқда. Корхона муҳандиси Мансур Авезовнинг таъкидлашича, кўпиклантирилган махсус кимёвий концентрат, қум, цемент қоришмасидан тайёрланадиган пеноблокнинг бир донаси 15-20 пишиқ ғишт ўрнини босади, вазни енгил, нархи эса нисбатан арзон. Ундан тикланган бинолар ёзда салқин, қишда иссиқни яхши сақлайди. Бу ерда буюртмачи хоҳишига кўра исталган ўлчамда пеноблок тайёрланади.

Қирқ ишчи-муҳандис меҳнат қилаётган корхонада маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Э. ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири

МАРКАЗ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув марказида мазкур марказ фаолияти, ўқув дастурлари ва кўрсатадиган хизмат турларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Унда турли вазирлик ва идоралар вакиллари, етакчи олий ўқув юртларининг ўқитувчилари иштирок этди.

Олий бизнес мактаби директори М.Алиев, Корпоратив бошқарув маркази раҳбари М.Равшанов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишига, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишга, техник ва технологик янгилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 24 январда қабул қилинган «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Фармонга мувофиқ ташкил этилган Олий бизнес мактаби Корпоратив бошқарув марказида ўтган вақт мобайнида юртимиз акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходимлари, корпоратив бошқарув идоралари аъзолари ва етакчи мутахассислари, турли корхона ва ташкилотлар, хўжалик уюшмалари, давлат иқтисодий бошқарув идораларининг салкам тўрт ярим минг нафарга яқин мутахассиси ўз билим ва малакасини оширди. Бунда корпоратив бошқарув, молиявий ва ишлаб чиқариш таҳлили, корхона ва унинг ижро органлари фаолиятини назорат қилиш усулларига ўқитиш, раҳбар ходимларни менежмент ва маркетингнинг замонавий усуллари бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта аҳамият қаратилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

«AQUA-BOYSUN» ЁРЛИҒИ БИЛАН

Бойсун туманидаги «Жамол Ато» хусусий фирмаси қошида маъданли сув қадоқлаш цехи иш бошлади.

Янги корхонанинг барпо этилиши тоғли туманда йигирма нафарга яқин ёшни иш билан таъминлаш имконини берди. Замонавий технология асосида шифобахш булоқ суви полиэтилен идишларда қадоқланиб, «Aqua-Boysun» ёрлиғи билан сотувга чиқарилмоқда.

— Кунига икки минг литр ҳажмда маҳсулот тайёрланмоқда, — дейди фирма раҳбари Неъмат Атоев. — Айни ёз мавсумида чанқовбосди ичимликларга талаб ортиши табиий. Шуни ҳисобга олиб, чанқовбосди ичимликлар турини кўпайтириш ҳамда қўшимча иш жойлари яратишни мўлжаллаяпмиз.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ТАЯНЧ МАСКАНЛАРИ
Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда
2

ҚОНУННИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ
билмаган эса хатоларга йўл қўяди, муаммоларга дуч келади...
3

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ...
ёки баъзи хонадон эгаларининг табиий газдан нотўғри фойдаланишлари оқибати хусусида
4

ЎзХДП ҳаёти

ТАЯНЧ МАСКАНЛАРИ

Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда

Бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашларида Ахборот-ресурс марказлари ташкил этила бошлади. Бу марказлар депутатлар, тарғибот гуруҳлари, партия фаоллари ва хайрихоҳларга ахборий-услубий кўмак бериш, партия электоратида фуқаролик маърифатини шакллантиришга мўлжалланган. Хўш, ўтган давр мобайнида бу марказлар ўзига юкланган вазифаларни қай даражада бажарди?

ЎзХДП Бувайда ва Учкўприк туман кенгашлари ўтказган минтақавий семинарда мазкур партия ташкилотларидаги Ахборот-ресурс марказлари мисолида, уларнинг фаолияти, амалга ошираётган ишлари муҳокама этилди. Тадбирда ЎзХДПнинг водийдаги барча вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, Ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этдилар.

— Туман партия кенгаши биносида шу мақсадда алоҳида хона ажратганмиз, — дейди ЎзХДП Бувайда туман кенгаши раиси Ҳабибахон Тошматова. — Марказда зарур адабиётлар, услубий материаллар, турли маълумот ва ахборотлар жамланган замонавий техник жиҳозлар бор. Ўтган давр мобайнида партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларига сайланган депутатлар Ахборот-ресурс марказидан унумли фойдалана олди. Партия фаоллари билан тарғиботчиларимиз доимий равишда марказга мурожаат этади ва ўзларига керакли маълумотларни олади. Электоратимиз вакиллари билан изчил муносабат ўрнатишда ҳам Ахборот-ресурс маркази муҳим ўрин тутмоқда. Биз шунинг учун марказдаги манбаларни янада бойитишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

— Партиямизнинг бошланғич ташкилотлари раислари, ташвиқотчилар, фаоллар жуда кўп вақтини Ахборот-ресурс марказида ўтказади, десам, муболаға бўлмайди, — дейди ЎзХДП Учкўприк туман кенгаши раиси Илҳом Каримов. — Чунки, партиявий тадбирларга тайёргарлик жараёнида марказдан олинадиган маълумотлар жуда асқотади. Демак, бу марказлар бугунги кун талаби, ҳаётий эҳтиёж маҳсули экани исботини топмоқда. Шу билан бирга, марказни керакли қўлланмалар, замонавий техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш зарурати йўқ эмас.

Минтақавий семинарда Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, бу борада тўпланган тажрибаларни оммалаштириш масалалари долзарб экани таъкидланди. Водий вилоятларидаги айрим шаҳар, туманларда бу соҳага эътиборсизлик мавжудлиги, баъзи жойларда марказ ўрнига шу фаолиятни бажарувчи бурчак ташкил этиш билан кифояланган, мавжуд марказларни зарурий адабиётлар, қўлланмалар ва қимматли маълумотлар билан таъминлаш талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди.

— Йирик бошланғич партия ташкилотларида Ахборот-ресурс марказлари ёки уларнинг бўлинмаларини ташкил этиш партиявий ишимизнинг самарадорлиги ва амалий натижасига хизмат қилади, буни ҳаммамиз яхши биламиз, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Лекин Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидаги барча йирик бошланғич партия ташкилотларида шундай марказлар мавжуд, улар самарали ишлаяпти, деб айта оламизми?

Айрим партия ташкилотларимиз бу масалага жиддий ёндашаяпти. Ахборот-ресурс марказлари расмиятчилик учун ташкил этилган. Уларда чинакам жонли фаолият сезилмаяпти. Буни очиқ айтиш керак. Ҳолбуки, мафкуравий ишларга эътибор кучайган, сиёсий мафкурамиз такомиллашиб бораётган ҳозирги вақтда Ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш муҳим вазифалардан биридир.

Семинарда Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Одинахон Мадаминованинг «Вилоят кенгашида Ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш», Наманган вилоят кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаевнинг «Ахборот-ресурс марказларини мафкуравий ишларда ишончли таянчга айлантириш», Фарғона вилоят кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқовнинг «Ахборот-ресурс марказларининг сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги мавқеини ошириш» мавзуидаги чиқишлари муҳокама этилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«БУНЁДКОР» ЁШЛАРНИ ЖИПСЛАШТИРАДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан талабаларни моддий-маънавий, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ёзги таътил даврини сермазмун ўтказиш, вақтинчалик иш билан таъминлаб, қўшимча даромад топиш имконини яратиш мақсадида «Бунёдкор» талабалар меҳнат отряди ташкил этилган. Бу йил 12 200 нафардан ортиқ ёшлар асосан қурилиш, ободонлаштириш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этилади.

Куни кеча Тошкент ахборот технологиялари университетининг 100 нафар талабаси Қашқадарё вилоятига йўл олди. Отряд вилоятнинг Ғузор туманидаги алоқа тизими қурилишида иштирок этиши кўзда тутилган.

— Мен бу отряд ҳақида эшитгач, «Бунёдкор» ёшлар сафида бўлишга қарор қилдим, — дейди Радиоалоқа, радиотехника ва телерадиоэшиттиришлар факультети 2-босқич талабаси Арслон Явқочдиев. — Биз бу ерда ишлаш билан бирга, олган билимларимизни амалиётда қўллаймиз.

Албатта, бундай ҳаракатлар ёшларни жипслаштирибгина қолмай, уларни яратувчиликка ундайди, юрт равнақига ҳисса қўшадиган, ватанпарварлар бўлиб етишишига замин яратади.

Аброр УМАРҚУЛОВ

БАНДЛИК — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалардандир. Бу борада Қорақалпоғистонда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йил Қорақалпоғистон Республикасидаги 78 касб-ҳунар коллежини 21,9 мингдан зиёд йигит-қиз тамомлади. Қисқа вақт ичида уларнинг 17 минг нафарини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга эришилди. Қолган битирувчиларнинг ярми олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттирмоқчи бўлса, ишлаш ниятидаги ёшлар учун янги иш жойлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш долзарб аҳамиятга эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда ушбу масала атрофлича муҳокама қилинди. Унда туман ва шаҳар ҳокимликлари, бандликка кўмаклашиш марказлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни ишга жойлаштириш, уста-шогирд анъаналари асосида ҳунар ўрганиши учун зарур шароитларни яратишга доир вазифалар ҳам белгилаб олинди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

АҚШ ЭКСПЕРТИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

Россиянинг бир қатор босма ва электрон нашрларида, жумладан Москва давлат университети ахборот-таҳлил марказининг веб-сайтида АҚШнинг Индиана университети профессори, Шарқий Европа ва Россия институти етакчи эксперти, АҚШнинг Марказий Осиё минтақасини тадқиқ қилишга ихтисослашган таниқли мутахассисларидан бири Мартин Спеклернинг интервьюси эълон қилинди.

Америкалик олимнинг фикрича, «Марказий Осиё эндиликда бешта собиқ шўро республикасидан иборат бўлган яхлит минтақа эмас, балки турли даражада ривожланган, турлича тараққиёт стратегияси, турли натижалар ва сиёсий йўналишлари билан фарқланувчи давлатлар тизимини акс эттирувчи ҳудуддир».

Шу билан бирга, М.Спеклернинг таъкидлашича, «Ўзбекистон шўролар тузумининг ҳукмронлиги, жумладан пахта яккаҳокимлиги ҳамда Орол денгизи фожиаси кабиларни ўз бошидан кечирди. Шу боис Президент Ислом Каримов мамлакат мустақиллиғининг бошиданоқ ташқи ёрдамга боғлиқ бўлмаган мустақил тараққиёт моделини танлади. Ўзбекистон энергетика ва озиқ-овқат саноатида мустақилликка эришишга қаратилган сармоявий стратегияни амалга оширди».

«Собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистон нафақат иқтисодиёт соҳасида жиддий муаммоларнинг олдини олишга, балки МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб ишлаб чиқариш ҳажмини мустақилликдан аввалги кўрсаткичлардан оширишга муваффақ бўлди.

Мамлакат бу натижага деярли ташқи ёрдамсиз эришди — Осиё тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки фақатгина алоҳида инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштирди, холос», — дея таъкидлайди М.Спеклер.

Америкалик олим Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ҳақида гапириб, мамлакатда амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати 2003 йилнинг якунига келиб Ўзбекистонда миллий валюта — сўмни конвертациясини йўлга қўйиш имконини берганига эътибор қаратади.

«Ўзбекистон давлат банк кредитларидан фойдаланган ҳолда тўқимачилик, кимё ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига сармояларни жалб этди. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат ва энергетика соҳаларидаги мустақиллиги ҳамда 2003 йилдан буён кузатилаётган экспорт тушумлари ҳажмининг ўсиши республикага ўз мудофаа қобилиятини юксалтириш ва бу масалада ўз кучига тўлиқ таяниш имконини берди», — дейди олим.

М.Спеклер, шунингдек, Ўзбекистон ўз миллий даромадининг катта қисмини таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтираётганини юксак баҳолади. «Болалар ўлимини камайтириш ва тоза ичимлик сувидан фойдаланиш борасидаги кўрсаткичларда ҳам мамлакат минтақада етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда», дея хулоса қилади америкалик олим.

«Жаҳон» АА.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар

Хонқа туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёшлар йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ва унда белгиланган вазифаларни бажаришда фаол иштирок этиш масалаларига бағишланган давра суҳбатини ўтказди. Унда ўқув муассасаларини тамомлаётган ўқувчи-ёшларни касбий таълимга йўналтириш ва уларни иш билан таъминлашга кўмаклашишда «Истиқбол» ёшлар қанотининг вазифалари ҳақида сўз юритилди.

Хива туман партия кенгаши ташаббуси билан «Бинокор» ва «Янги турмуш» маҳаллаларида партия дастурий мақсадларини электорат орасида тарғиб қилиш, аҳолининг ижтимоий манфаатларини ифода этишда партия ташкилотлари ҳузуридаги Ахборот-ресурс марказларининг ўрнига бағишланган давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотлари Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларни ўрганиб, ҳуқуқий маслаҳатлар беришда Ахборот-ресурс марказлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида фикр алмашилди.

Гулистон шаҳар партия кенгаши «Навбаҳор» маҳалласида «Гиёҳвандликка қарши — соғлом турмуш» мавзуида оммавий-маърифий тадбир ташкил этди. Унда маҳалла фуқаролар йиғинларининг маънавий-маърифий ва диний ишлар бўйича маслаҳатчилари, ўрта таълим муассасаларининг маънавий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ОИТС маркази вакиллари гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари, соғлом турмуш тарзи хусусида сўз юритдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА

Андижоннинг Хўжаобод туманидаги «Барчиной» хусусий корхонаси ўз маҳсулотларини Германия, Туркия ва Россияга экспорт қилмоқда.

— Корхона асосан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаради, — дейди корхона раҳбари Р.Раҳимов. — Йилнинг биринчи чорагида жамоамиз икки юз йигирма бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва шунинг 40 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинди.

Ҳозирда ушбу хусусий корхона ва унинг қошидаги иккита цехда 158 нафар киши меҳнат қилмоқда. Кунига икки тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона жамоаси мустақилликнинг 17 йиллиги тантаналари арафасида яна битта янги цех фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирган. Бу эса яна 50 та маҳаллий аҳолини муқим иш жойи билан таъминлашга замин яратади.

«Туркистон-пресс»

Фармон ва ижро

ҚИЗИЛҚУМ АЁЛЛАРИ

ёхуд олис чўл туманида уларга яратилаётган янги иш ўринлари хусусида

Навоий вилояти марказидан юзлаб чақирим узоқликдаги Томди, Учқудуқ, Нурота туманлари ёки Зарафшон шаҳрига қиш қирчилламаси-ю ёз саратони у ёқда турсин, куз ва баҳор ойларида ҳам сафар қилмоқликнинг ўзи машаққат. Бироқ ана шундай кенгликларда ҳам ўтли-шудли, ташкилотчилик ва ташаббусларга ўч аёллар, хотин-қизлар кўп. Биргина Томди туманини олиб кўринг: 22 минг нафардан ортиқ қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек, рус, татар ва бошқа миллатларга мансуб аҳоли истиқомат қилаётган мазкур масканда 11 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар бўлиб, улар қишлоқ хўжалигининг асосан чорвачилик ва саноатнинг турли тармоқларида фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар.

Туманда парвариш топаётган 296 минг 300 бош қўй, 1825 та туя, 2853 та йилқи маҳсулдорлигини оширишда аёлларнинг улуши, айниқса катта. Улар орасида тижорат банкларидан кредит олиб, «Томдида кичик корхона очаман, жунни, қўй терисини, қоракўлни қайта ишлаб, жаҳон бозорига олиб чиқаман», дейдиганлари ҳам анчагина: Қурбонгул Эгизбаева, Бекжамол Наврўзбаева, Салтанат Сидиқова, Фарида Муҳамеджанова, Гулзера Иноятова, Олтин Бекназарова.... Улар турли касб ва ихтисослик эгалари — бири педагог бўлса, бири иқтисодчи, яна бири чорвадор...

Жабай Балиманов номли ширкат хўжалигининг «Оқтов» қўрғонида яшовчи Гулзера Иноятова дастлаб калаванинг учини тополмай анча қийналиб юрди. Бир неча бор маҳалла фуқаролар йиғини ва ширкат хўжалиги маъмуриятига мурожаат қилиб, мулзам ҳам бўлди. Бироқ туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси масалага аралашгач, муаммо ўз ечимини топди. Орадан сал вақт ўтмай, Гулзера «Оқтов»да «Оқэрка» номли кичик корхона очишга муваффақ бўлди. Айни кезда мазкур кичик корхонада 20 нафар томдилик хотин-қизлар фаолият кўрсатиб, чўпон-чўлиқларга иссиқ кийим-кечаклар тикиб чиқармоқдалар.

Яна бир мисол: «Керигетов» ширкат хўжалигига қарашли «Симбат» кичик корхонасини Олтиной Бекназарова бошқараяпти. Бу фидойи аёл ҳам туман АТ «Пахта банки»дан кредит олиб, кичик хусусий корхона очиб олди. Унда ҳозир 25 нафар хотин-қизлар самарали меҳнат қилмоқда. Бу ерда маҳаллий хомашёдан, яъни қўй жуни ва териси ҳамда қоракўл теридан бежирим кийим-кечак, болалар усти-бошлари тайёрланмоқда.

Томдилик аёллар сергайрат. Улар биз билан суҳбатда яқин келажакда банклардан олинган муддатли ва имтиёзли кредитлар эвазига Томдида яна ўнлаб кичик корхоналар, бичиш-тикиш ва маиший хизмат объектлари очишни, енгил саноатни наинки туман маркази, балки энг чекка овул ва ўтовларга, ҳатто отарларга қадар олиб бориш учун ҳаракат қилишаётганини гапириб беришди. Зеро, улар ўсмир-ёшларни, айниқса, маҳаллий хотин-қизларни иш билан таъминлашни олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Диққатга сазовор жойи — бугунги кунда мазкур хайрли иш вилоятнинг Учқудуқ, Конимех, Нурота туманларида ҳам йўлга қўйиляпти.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чўл туманлари чорвадорлари учун айни муддао бўлди, — дейди **Республика Марказий банкининг Навоий вилоят Бош бошқармаси бошлиғи Улуғбек Раззоқов.** — Ҳозиргача жойлардаги кам таъминланган ва чорва моли бўлмаган хўжалик субъектларига 62 миллион сўмликдан зиёд имтиёзли кредит берилди. Шу жумладан, Томди туманига ҳам...

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳам ижтимоий химояга муҳтож оилалар учун жуда қўл келди. Айни кезда вилоят «Микрокредитбанк»нинг Томди агентлиги берган сармоя эвазига «Бирлик» ширкат хўжалигидаги «Жигер» хусусий корхонаси иш бошлади. Фарида Муҳамеджанова раҳбарлик қилаётган бу корхонада ҳозир 25 нафар аёл ишлашаяпти.

«Жигер» кичик корхонаси айни пайтда, ёшларга иш ўринлари яратиб бермоқда, хотин-қизларга ҳунармандчилик, касаначилик сирларини ўргатиш билан бирга, Томдидаги тайёр хомашёни қайта ишлаб чиқиб, республикага валюта тушуми киритаяпти. Бу ерда тикилаётган аёллар кўйлаклари, болалар нимчалари, кўрпачалар, геологлар учун зарур бўлган палаткаларнинг бозори чаққон. Айниқса, корхонада тайёрланаётган Қорауйлар ўта харидоргир бўлиб бормоқда.

Томдининг «Оёқудуқ» ширкат хўжалигидаги «Гулдер» кичик корхонаси ёки «Шаруа» ширкат хўжалиги, «Сувкетди» овулидаги «Келбат» хусусий корхоналари ҳам туман АТ «Пахта банк»и ва туман «Микрокредитбанк» агентлигидан олинган имтиёзли кредит эвазига ташкил топган. Ҳар икки корхонада ҳозир 40 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилишаяпти.

— Корхоналаримизда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ҳали кўпчилик билмайди, — дейди «Келбат» кичик корхонаси раҳбари Бекжамол Наврўзбаева. — Агар биз ишлаб чиқараётган жун ва жунбоп маҳсулотларимизга республика ички ва ташқи бозоридан, қолаверса, қўшни республикалардан харидор топа олсак, ишимиз бундан-да юришиб кетади...

Умид қиламизки, шундай бўлади ҳам. Қизилқумдек қипқизил чўлда янги-янги иш ўринлари яратаётган аёлларнинг орзулари кўп. Улар умидбахш ва тиниқ орзулар...

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ КОРХОНА

Сурхондарё вилоятидаги «Ангор-аргалит» масъулияти чекланган жамият қошида янги корхона иш бошлади.

Бир ойда икки минг квадрат метргача мармар тайёрлайдиган ушбу корхонада йигирма киши иш билан таъминланди. Ҳозиргача воҳага шу турдаги қурилиш материали мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан келтирилар эди. Янги корхонанинг ишга туширилиши билан қурувчиларни ўз вақтида арзон ва сифатли мармар билан таъминлаш имкони яратилди.

— Маҳсулотларимизга касб-ҳунар коллежлари ва бошқа йирик иншоотлардан буюртмалар тушмоқда, — дейди жамият раиси Нормўмин Эсонов. — Мустақиллик байрамигача шифер ишлаб чиқарадиган ва жунни қайта ишлайдиган корхоналарни ҳам ишга туширишга ҳозирлик кўрмоқдамиз. Ихчам ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхоналарда юздан ортиқ киши ишга жалб этилади.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

Дунё саҳнасида

ПРЕЗИДЕНТЛИК УЧУН КУРАШ

ТОБОРА КЕСКИН ТУС ОЛМОҚДА

Америкаликлар «Бизнинг президент икки йил ишлайди, қолган икки йилда навбатдаги сайловга тайёргарлик кўради», дейишади. Бу гапда жон бор. АҚШнинг амалдаги президенти Жорж Буш республикачилар партиясидан. Унинг ваколат муддати тугаяпти. Аммо партияси сайловга қизғин тайёрланмоқда. АҚШ Конституциясига биноан, президентлик сайлови ҳар тўрт йилда ноябрь ойининг биринчи сешанбасида (агар 1 ноябрь сешанба кунига тўғри келса, иккинчи сешанбасида) ўтказилади. 1967 йили Конституцияга йигирма бешинчи ўзгартиш киритилди, унга кўра, бирон-бир сабаб билан президент ўз ваколатини бажара олмаса, бошқа давлатларда бўлгани каби муддатидан илгари президентлик сайлови ўтказилмайди, балки унинг ваколати тўғридан-тўғри вице-президентга ўтади. У навбатдаги сайловга қадар президент сифатида фаолият юритади. Агар у ҳам бу вазифани бажара олмай қолса, вакиллар палатасининг спикери ишга киришади...

2006 йилнинг охирида бошланиб, айни дамда тугаган праймериз — бошланғич сайловлар президентлик учун асосий номзодларни юзага чиқаради. Республикачилар билан демократлар ўз съездларида номзодларни расман кўрсатади. Республикачилар аввал бошданоқ ўз номзодларини узил-кесил ҳал қилиб олди. Жон Маккейн мазкур партиядан ягона номзод сифатида кўрсатилди. У демократлардан ким майдонга чиқишидан қатъи назар, Оқ уй яна республикачиларга насиб этишини айтмоқда. «Хиллари Клинтон ва Барак Обама бир-бирининг гўштини еяверсин. Улар орқада ким кутиб турганини билишмайди. Президент бўлиш учун аввал мени енга олиши керак. Ноябрь келсин, кўрамиз», деган эди у.

Демократлар «номзодликка номзод» борасида америкаликларга кутилмаган совға тайёрлашди. Чунки улар кўрсатган ҳар икки номзод Америка президентлик сайловлари тарихида янгилик бўлди. Хиллари Клинтон илк аёл номзод бўлса, Барак Обама қора танли фуқаролардан кўрсатилган биринчи даъвогар. Мамлакат ўз тарихида бу каби ҳодисага ҳеч қачон дуч келмаган эди. Ҳар икки номзод ҳам ҳозирги ички ва ташқи сиёсатни тубдан янгилашга ваъда берди. «Партия ичида мени энг кўп одам қувватлаётгани аён, демак, президентликка номзод ҳам менман», дейди Барак Обама. Агар президент этиб сайлангудек бўлса, АҚШнинг душманлари билан ҳам, дўстлари билан ҳам фақат мулоқот олиб боришини таъкидлайди. Саралаш мусобақалари ниҳоясига етмагунча пойгадан чиқмаслигини айтган Хиллари Клинтон ниҳоят мағлубиятини тан олди. У 7 июнь куни берган баёнотида партиядошларига мурожаат қилар экан, Барак Обамани қўллаб-қувватлашга чақирди. Жон Маккейн айтмоқчи, улар бир-бирининг гўштини емади, балки демократик партия аъзолари ва тарафдорларини жипслаштиришга интилишмоқда. Демак, президентликка икки нафар даъвогар қолди.Таҳлилчилар ҳар икки номзод ўзига муносиб вице-президентликка номзод қидириши керак, демоқда. Бу борада кузатувчилар 72 ёшни қоралаб қўйган Ж.Маккейн нисбатан ёш, Б.Обама эса тажрибали сиёсатчини вице-президентликка танлаши керак, деган фикрни билдиришмоқда. Республикачилардан бу лавозимга номзод ҳозирча аниқ эмас. Демократларнинг номзоди Хиллари Клинтон бўлиши эҳтимол.

Таҳлилчилар сўнгги даврда Америкада сайловларга қизиқиш сусайиб кетганини таъкидлаб, «фуқароларнинг кўпчилиги, асосан зиёлилар овоз бермай қўйди», демоқда. Бироқ демократлар кўрсатаётган номзодлар бу сустликка ўзига хос таъсир кўрсатади. Ҳар икки партия хайрихоҳлари номзодлар пойгасини иштиёқ билан кузатмоқда. Бу эса сўнгги вақтда одамларнинг сиёсат ва сайловларга яна қизиқиши ортганидан далолатдир. Таниқли журналист ва тарихчи Теодор Вайт Америкадаги президентлик сайлови кампанияси ҳақидаги китобида «сайлов жараёнида америкаликлар учта: «уруш ва тинчлик», «нон ва ёғ»,«оқ ва қора» каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қиладилар», деб ёзади.

«Бу йил унутилмас давр бўлади», дейди фуқароларни ўз бурчини ўташга ундаётган ташкилот раҳбарларидан бири Хезер Смит. АҚШ матбуотининг ёзишича, президентликка даъвогар сенатор Барак Обама ёшларда сиёсатга иштиёқ уйғотаётган арбоб сифатида танилмоқда. Александр Гамильтон: «Агар сиёсатчи президентлик сайловида ғолиб чиқса, бу унинг давлат бошқарувига тайёр эканини англатади», деган эди. Унинг фикрича, шу тарика Оқ уйга омад кулиб боққан номзод эмас, балки АҚШ учун етакчилик қила оладиган сиёсатчи келади.

Америкада сайловчилар тўғри қарор қабул қилиши учун номзодларнинг қайси фазилатларига эътибор қаратиши керак, деган савол ҳамиша долзарб бўлиб келган. Таҳлилчиларнинг фикрича, бу борада сайловчиларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳдагилар номзодларнинг ахлоқига аҳамият беришади. Иккинчи гуруҳ номзодлар ҳаёт илгари сураётган қандай долзарб масалаларга эътибор беришига қарашади. Учинчи гуруҳ эса ҳар икки омил диққат марказда бўлиши керак, деб билади. Сайловчилар, шунингдек, номзодларнинг мубоҳасаларда қандай иштирок этишига ҳам катта баҳо беради.

Бироқ сўнгги вақтда сайловчилар номзодларнинг қайси партияга мансублигига жиддий аҳамият бера бошлади. Мичиган университети олимларининг фикрича, ҳозирги сайловчилар бундан қирқ йил аввалги сайловчиларга нисбатан номзодларнинг дастурларини кам билади. Бунга телевидение ахборот ўрнига сиёсатчиларнинг ҳиссиётларини намойиш қилаётгани сабаб бўлмоқда. Иккинчидан, партиялар аввалги йилларга нисбатан кучсизланиб бормоқда. Томас Паттерсон ўзининг «Сўнаётган сайловчи» деб номланган китобида 1950-60 йилларда сайлов кампанияси назорати сиёсий партиялардан номзодлар қўлига ўтиб кетганини таъкидлайди. Бу эса номзодларнинг бир-бирига «лой чаплаши»ни авж олдириб юборди.

Ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, айни дамда америкаликларнинг 85 фоизи номзодларнинг ахлоқий сифати, яъни ҳалоллиги, виждонлилиги, ўз сўзининг устидан чиқишига аҳамият берар экан. Шу билан бирга, номзодларнинг ахлоқи мамлакатдаги мавжуд муаммоларни ҳал қила олмайди, деган фикрни илгари сурганлар ҳам йўқ эмас. Ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг 42 фоизи мамлакатда биринчи рақамли муаммо бўлмиш соғлиқни сақлаш тизимини оёққа қўядиган раҳбар керак, деб ҳисоблайди. Сўнгги ўн йилликдаги тажриба шуни кўрсатадики, америкаликлар сайлов қутилари олдига келишганида номзодларнинг шахсиятига эмас, балки мавжуд муаммоларни ҳал қила олиш лаёқатига овоз беради.

Ҳозир вазият шуни кўрсатадики, америкаликлар демократларни қўллаб-қувватламоқда. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги сўровларга ишониб бўлмайди. «Қанча одам овоз бергани ва кимни ёқлагани 4 ноябрдан кейин аён бўлади», дейди профессор Куртис Ганс. Унинг фикрича, сайловда неча киши иштирок этишини ва кимга овоз беришини башорат қилиш жуда қийин.

Бундан тўрт йил аввал бўлган президентлик сайловида умумий сайловчиларнинг 57 фоизи овоз берган, холос. Америка тарихида ҳеч бир сайловда бундай озчилик қайд қилинмаган. АҚШ матбуотининг ёзишича, кўпчилик давом этаётган урушлар туфайли сиёсат бобида мамлакатнинг жаҳондаги нуфузи тушиб бораётганидан норози. Сайлов участкаларига одамларни айни шу омиллар етаклаб борса ҳам ажаб эмас.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
сиёсий шарҳловчи.

ИНГРИД ОЗОД ҚИЛИНДИ

Франко-колумбия фуқароси Ингрид Бетанкур олти йиллик асирликдан сўнг колумбиялик исёнчилар томонидан озод этилиб, Францияга олиб келинди, деб хабар қилади Франс Пресс. Ингрид Франция президенти Николя Саркози билан учрашиши режалаштирилган. Ўтган чоршанба куни Ингридни олиб келиш учун Франция ташқи ишлар вазири Бернар Кушнер раҳбарлигидаги делегация Колумбияга келган. Бетанкур, америкалик ҳарбийлар ва 11 нафар киши чоршанба куни Колумбия хавфсизлик кучлари ва разведкаси операцияси туфайли озод қилинган.

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН

Бирлашган Араб Амирликлари барча аэропорт, божхона ва давлат ташкилотларини радиоактив ҳамда портловчи моддаларни аниқлайдиган мослама-сканерлар билан жиҳозлайди, деб хабар беради The National газетаси. Мамлакат ички ишлар вазирининг айтишича, суюқ ҳолдаги портловчи моддаларни топувчи детекторлар аввал Абу-Дабида қўлланилади. Ички ишлар вазирлиги вакили хабарига кўра, детекторлардан «таҳдид туфайли эмас, балки хавфсизликни таъминлаш учун» фойдаланиш кўзда тутилган. Бундай хавфсизлик тизимларини қўллаш миллионлаб доллар туради. Бундай катта харажатга ундаган нима? МАГАТЭ хабарига кўра, 1993 йилдан 2006 йилгача ядровий қуролларни ноқонуний сотиш ва ўғирлаш бўйича 275 ҳолат аниқланган.



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АМУ — ҚАШҚАДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ

ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Лот №4:

Лот №4-1. Яккабоғ туманидаги «Айғиркўл» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 35,083 км.

Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.

Бошланғич нархи — 102.091.320 сўм.

Лот №4-2. Чироқчи туманидаги «Сарисув» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 12,1 км.

Қурилишни тугаллаш муддати — 3 ой.

Бошланғич нархи — 34.252.908 сўм.

Лот №4-3. Муборак туманидаги «8-ГД» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 27,856 км.

Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.

Бошланғич нархи — 232.207.694 сўм.

Лот №5:

Лот №5-1. Қарши туманидаги «Қоратепа» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 26,395 км.

Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.

Бошланғич нархи — 96.663.241 сўм.

Лот №5-2. Нишон туманидаги «ЮКЛ-3» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (II босқич).

Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 20,95 км. Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.

Бошланғич нархи — 293.765.172 сўм.

Лот №5-3. Яккабоғ туманидаги «Исат» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 37,658 км.

Қурилишни тугаллаш муддати — 6 ой.

Бошланғич нархи — 115.638.627 сўм.

Лот №5-4. Шаҳрисабз туманидаги «Гаров-чашма» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Тозаланадиган зовурнинг узунлиги — 19,153 км.

Қурилишни тугаллаш муддати — 3 ой.

Бошланғич нархи — 31.905.000 сўм.

Лот №6:

Лот №6-1. Касби туманидаги «СВ» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Зовурнинг узунлиги — 57,3 км.

Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.

Бошланғич нархи — 501.029.000 сўм.

Лот №6-2. Қамаши туманидаги «Жомбуссой» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Зовурнинг узунлиги — 31,834 км. Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.

Бошланғич нархи — 133.958.000 сўм.

Лот №6-3. Қарши ва Касби туманларидаги тик дренаж (101 та) қудуқларини таъмирлаш ва тиклаш.

Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.

Бошланғич нархи — 281.072.000 сўм.

Лот №6-4. Миришкор туманидаги «К-3» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Зовурнинг узунлиги — 13,1 км.

Қурилишни тугаллаш муддати — 3 ой.

Бошланғич нархи — 174.413.000 сўм.

Буюртмачи — Аму — Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Гидроузел кўрғони.

Телефон: (8-375) 226-01-78, 780-85-24, (8-371) 141-65-24.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Молия вазирлиги қошидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Офферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 13 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (офферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

ҚОНУННИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

билмаган эса хатоларга йўл қўяди, муаммоларга дуч келади...

Раҳматилла Маҳмудов яхши ният билан хусусий корхона ташкил қилган эди. Собир Раҳимов туманидаги қирққа яқин мактаб ошхоналари учун сифатли озиқ-овқатлар тайёрлаб, нархини арзонлаштириш ва кам таъминланган оилалар фарзандларига етказиб бермоқчи эди. Овқатларни бир марта ишлатиладиган идишларда бериш ҳам кўзда тутилганди. Ҳатто у Москва шаҳрига бориб, мактаб ошхоналари тажрибасини ўрганиб қайтди. Агар режа амалга ошганида мактаб ошхонасидаги стол-стуллардан тортиб, иссиқ-совуқ сувгача тежаларди.

Афсуски, унинг ниятлари амалга ошмай қолди. Сабабини Раҳматилла Маҳмудовнинг ўзи қуйдагича изоҳлайди:

— 2004 йилда «AL-TOTUV» акциядорлик жамияти раҳбари Зафар Шоназаров менинг олдимга келиб: «Бир режа бор. Агар сиз гаров сифатида бинонгизни қўйсангиз, банкдан кредит олиб, ишларни юриштириб юборардик», деб лойиҳа-режалари билан таништирди. Ўзим ҳам қизиқиб қолдим. Қисқаси, қиёмланган пишлоқни ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналар ва хомашё сотиб олиш учун «Жанговар» хусусий корхонасига тегишли бинони (ер участкасини эмас) гаровга қўйишга рози бўлдим. Кўп ўтмай кредит шартномасига биноан «Ипак Йўли» акциядорлик инновацион-тижорат банкидан «AL-TOTUV» жамиятига 189.500.000 сўм миқдорида кредит олинадиган бўлди. Гаров сифатида хусусий корхонамизга қарашли бўлган Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани собиқ академик Тарновский кўча 2-уй манзилидаги 3711кв.м. ери майдонида жойлашган умумий майдони 2275 кв.м.ни ташкил этадиган бир қаватли ишлаб чиқариш биноси қўйилди. Гаров шартномасига ҳаммамиз имзо чекдик. Бу шартнома мен учун «тузоқ» эканлигини анча кеч билдим.

— Нега? Ахир, сиз шерикларингиз билан иш бўйича шартнома тузгансиз-ку?!

— Ҳамма гап шундаки, уларнинг гапига ишониб, гаров шартномасига имзо чекибман. Энди ўйлаб қарасам, гаровга бинони эмас, асбоб-ускуналарни қўйса бўлар экан...

— Бинонинг нархи қанча бўлган? Умуман, гаровга фақат бино қўйилганмиди ёки ер участкаси ҳам бормиди?

— Гаровга фақат бир қаватли бино қўйилган. Ер участкаси эмас! «Жанговар»га қарашли бўлган бир қаватли бино тегишли ташкилот томонидан баҳоланган. Яъни, «MULK BANO» МЧЖ (баҳоловчи)нинг хулосасига кўра, «Жанговар» ХКга қарашли кўчмас мулк 169.306.500 сўмга баҳоланган. Бироқ, гаров шартномаси тузилаётганда нотариус бино нархини паст — 90.000.000 сўм кўрсатиб тузишни таклиф қилди. Тўловлар кам бўлади, деди. Менинг фойдамни ўйлашаяпти, деб ўйлабман.

— Хўш, кейин нима бўлди?

— Кредит олингани билан асбоб-ускуналар ишлатилмади. Аниқроғи, ишлата олишмади. Сабаби, эскирган экан. Шунча маблағ, югур-югурлар самарасиз кетди. Мен «AL-TOTUV»дагиларга айтдим. «Ҳеч қандай иш бўлмаяпти. Банкнинг кредитини қайтариш чорасини кўрайлик», дедим. Уларнинг жавоби шундай бўлди: «Мирный соглашениега келяпмиз. Кредит муддати узайтирилади».

Шу зайлда кунлар, ойлар ўтаверди. Орада банкка бордим. Агар «AL-TOTUV»дагилар кредитни тўлай олмаётган бўлса, кредитни менинг номимга расмийлаштирсангизлар, дегандим, рад жавобини беришди.

Қисқаси, бир куни «Жанговар» хусусий корхонасига қарашли бино ва ер майдони кредит тўланмаганлиги учун сотилганлигини билиб қолдим. Шундан сўнг мулкни қайтаришни сўраб, Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилдик. Бироқ, бизнинг даъволаримиз қаноатлантирилмади. Тўғри, шартнома шартлари бажарилиши керак. Менга алам қиладиган томони — бино ими-жимида сотиб юборилгани! Бино бизнинг хусусий мулкимиз-ку, ахир!

Хўш, бу ғирромликнинг илдизи қаерда? Масаланинг нозик томонига эътибор берайлик. Бино ҳам, бино жойлашган ер ҳам хусусий мулк. Савол туғилади? Гаров шартномаси тузилаётганда хусусий мулк баҳоси нега пасайтирилиб кўрсатилган? Иккинчиси, «Жанговар» хусусий корхонаси ижарада эмас, балки ўзига қарашли ер майдонидаги бинода «ўтирган». Кредит ўз вақтида қайтарилмагач, гаровга қўйилган бино олиб қўйилган. Ана шу бино кимошдига қўйилиб сотилиши, биринчи навбатда харидор сифатида Раҳматилла Маҳмудовга таклиф қилиниши керак эмасмиди?

Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 1996 йил 5 мартдаги №103$_3$м-р фармойиши бор. Раҳматилла Маҳмудовга берилган Мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери №005361 да шундай ёзилган: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, академик Тарновский кўчаси 2-уйда жойлашган «Жанговар» хусусий корхонасига эгаллаган 2300 км.м.дан иборат ер участкасига мулкий ҳуқуққа эга. Яъни, Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 1996 йил 5 мартдаги 103$_3$м-р-сонли фармойишига биноан умумий майдони 2300 кв. метрга тенг ер майдони «Жанговар» хусусий корхонасига хусусийлаштириб берилган, бу 1996 йил 15 ноябрда 520$_3$м. сонли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерида қайд этилган.

Гаров шартномасини тузишда кўп ҳатоликларга йўл қўйилган. «Жанговар» хусусий корхонаси раҳбари етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслигидан фойдаланиб, уни алдашган. Раҳматилла Маҳмудов шерикларига ишониб, чув тушиб турибди.

2006 йилда Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Ш.Алаев протестида банк кредитини қайтариш учун «Жанговар» хусусий корхонасининг 3711 кв.м. ер участкасида жойлашган умумий майдони 2275 кв.м. бўлган бир қаватли бино қўйилгани, бино жойлашган ер участкаси хусусий мулк эканлиги, бироқ бино ва ер участкаси масаласида нотўғри қарор қабул қилингани кўрсатилган. Шунга асосан, гаров шартномаси ва кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорини бекор қилиб, қайтадан кўриб чиқиш тўғрисида протест келтирган. Аммо Олий хўжалик суди протестни қаноатлантирмади.

Яхши ниятлар билан хусусий мулкини гаровга қўйган Раҳматилла Маҳмудов ҳам биносидан, ҳам ердан маҳрум бўлиб турибди.

Ахир, гаров шартномасида гаров сифатида фақат бино қўйилган бўлса, қандай қилиб ер ҳам сотилиб кетган? Ер алоҳида, бино алоҳида сотиб олинган. Ҳар иккисининг ҳам алоҳида-алоҳида ҳужжати бор-ку! Нега бунга эътибор берилмаган?

Тўғри, ҳаётда содда, ишонувчан одамлар оз эмас. Назаримизда, Раҳматилла Маҳмудовнинг шу аҳволга тушишига бир томондан оққўнгиллиги, ишонувчанлиги, иккинчи томондан ҳуқуқий билими етарли эмаслиги, гаров шартномаси тузаётганда ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашмаганлигидир. Шу ўринда бир савол туғилади. Ўзаро шартнома тузилаётганда баъзан ҳуқуқшунослар билан нега маслаҳатлашмаймиз? Очиғи, пулни қизғанамиз. Арзимаган маблағни тежаймиз, деб миллион-миллионлардан, мол-мулкдан ажралиб қоламиз.

Агар Раҳматилла Маҳмудов ҳуқуқшунослар хизматидан фойдаланганида, гаров шартномасига ўйлаб имзо чекарди, бошига бугунги ташвишлар тушмасди.

Энди эса у елиб-югуриши, курашиши, ҳақ эканлигини исботлаши керак. Бунинг учун вақт, маблағ, асаб керак бўлади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Юртимиз манзаралари

АВЛИЁ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

ёки одамлар орасида худди шу ном билан машҳур табиатнинг бу сўлим гўшаси, шифобахш сувли булоқнинг кечаги куни ва бугуни хусусида

Жиззах нафақат осмонўпар тоғларию болтомар боғлари билан, балки зиёратгоҳ қадамжолари, тошлар бағридан қайнаб чиқаётган мингкўзли шифобахш булоқлари билан ҳам машҳур. Бугун ҳудудда Музбулоқ, Маржонбулоқ, Пойимард, Навқат ота, Касабулоқ, Хўжамсероб, Оқбулоқ, Жарбулоқ, Чуқурбулоқ сингари ўнлаб булоқлар, зиёратгоҳ жойлар мавжудки, уларнинг орасида «Саъд ибн Ваққос булоғи»нинг таъриф-тафсифи узоқ-узоқларга кетган. У аҳоли орасида «Авлиё ота зиёратгоҳи» деган ном билан машҳур. Зиёратгоҳ Ғаллаорол туманининг жануби-шарқида, Туркистон тоғ тизмалари пойидаги қир-адирлар билан ўралган сайхонликда, Авлиё қишлоғи яқинида жойлашган. Эътибор берган бўлсангиз, «Жиззах — Самарқанд» автойўлининг ўттизинчи километри атрофида Жануб томон қайрилган Сангзор йўли бошланади. Шу йўлдан ўн чақиримча юриб, Шарқ томонга буриласиз, баландлаб кетган йўлга чиқиб, 4-5 чақирим масофани босиб ўтсангиз, айнан «Саъд ибн Ваққос булоғи» жойлашган масканга етасиз.



Шундан сўнг табиатнинг сеҳрли қўллари билан яратилган ажиб бир маъвога дуч келасиз. Илдизини сувга ботирган дарахтлар қуршовида мўъжазгина биллурий кўл мавжланиб туради. Тошлар кавагидан эса, зилол сув милдир-милдир қайнаб чиқаётир. Азалий ҳавзада катта-кичик балиқлар сузиб юрибди. Уларнинг тангалари қуёш нурида тилларанг товланади. Қирғоқлар бўйлаб ўсган бақувват чинорлар, кўкка бўй чўзган тераклар, қизларнинг кокилидек солланган мажнунтоллар хаёлни ўзига маҳлиё этади. Соя-салқиндаги сўрида ўтириб, табиатнинг бу мўъжизасига қараб тўймайсиз. Турфа хил қушларнинг чуғур-чуғурини айтмайсизми? Кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди, руҳингиз ором олади. Бирам ҳузур қиласизки, таърифига тил ожиз. Айтишларича, ёзнинг айни жазирама кунларида ҳам бу ерда ажиб бир салқинлик, баҳаво муҳит ҳукм сурар экан. Тангадай офтоб тушмайди, ерга.

— Булоқнинг кечаги куни, яқин ўтмиши ҳақида гап очишнинг ўзи нохуш, — дейди ғаллаоролик меҳнат фахрийси Бурхон ака Темиров. — Мустабид тузуми даврида булоқбошининг файзи кетган, ҳатто бу ердаги ҳужра ҳам бузиб ташланган, ичкаридаги оқтош эса синдирилган эди. Тинимсиз тазйиқлар зиёратчиларнинг камайишига олиб келганди.

Шукрлар бўлсинки, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси зиёратгоҳни қайта тиклаш ташаббуси билан чиқдилар. Вилоят ҳамда туман ҳокимликлари бу саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватлади. Булоқ бўйида пишиқ ғиштдан гумбазли иморат барпо этилди, унинг ичига ўша синдирилган оқтош қўйилди. Зиёратчи ва дам олувчилар учун уй-жойлар, ғиштин йўлаклар, ихчам кўприклар, икки қаватли меҳмонхона қурилди. Яна замонавий суғориш тармоқлари, миллий меъморчилигимиз рамзи бўлган маҳобатли дарвоза ҳам ўрнатилди. Одамлардан бу каби меҳру ихлос кўраётган табиатнинг мўъжаз гўшаси яшнаб, яшариб кетди, кишиларга ором ва фароғат бағишлай бошлади.

— Бугун муқаддас қадамжоларни ҳар томонлама обод қилиш, умуман олганда, маънавий меросимизни асраб-авайлаш йўлида катта ишлар қилинмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари, профессор Ўрол Носиров. — Эл ичида мазкур зиёратгоҳ ва шифобахш сувли булоқ ҳақида ҳам турли-туман ривоятлар юради. Бир ривоятда айтилишича, ислом динини биринчилардан бўлиб қабул қилган ўнта саҳобаи киромнинг бири бўлмиш Саъд ибн Ваққос (асли Саъд ибн Молик ибн Вуҳайб) бир тошга қўл теккизган экан. Айтишларича, ҳужрадаги ўша оқтош эмиш. Лекин бу ривоятни тасдиқловчи манба ёки бирон-бир асосга эга эмасмиз.

Ва яна бу муборак манзилга Амир Темур бобомизнинг ҳам пойи-қадамлари теккан деган қараш мавжуд. Тарихий манбаларда ёзилишича, 1363 йилда Соҳибқирон ўзининг икки юз кишилик суворийлари билан Илонўтди дарасида турган шоҳ Малик қўшинини қувиб, Булунғур даштига етган пайтда, Кайхусравдан тезда Ровотга қайтмаса бўлмаслигини, мўғуллар Жиззахни талон-торож этиб, халққа жабр қилаётгани ҳақида хабар олади, шунда қисқа йўл — Авлиё қишлоғи орқали Ровотга ўтади. Шунда бобомиз суворийлари билан ширин сувли шу булоқ бўйида бир зум нафас ростлаган бўлса, не ажаб?

Бугун шифобахш сувли булоқ ва унинг атрофида барпо этилган муқаддас зиёратгоҳ яқин-йироқдан келувчи одамларнинг қадами узилмайдиган масканга, кўпчилик учун табиат гўзаллигидан баҳра оладиган дилкушо манзилга айланган. Буларнинг бари, аввало, юртимиздаги тинчлик, турмушимиздаги фаровонлик, эътиқотимиздаги собитликдан далолат беради.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *«Саъд ибн Ваққос булоғи» ва унинг атрофида барпо этилган зиёратгоҳнинг бугунги кўриниши.*

Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.

Янги китоб

«УМР ФАСЛЛАРИ»

«Шеър ёзиш — қалбда илоҳийликнинг туғилишидир», деган эди мутафаккирлардан бири. Дарҳақиқат, сўз айтмоқ, юракда туғилган ҳароратли туйғуларни сатрларга мухрламоқ, уни одамларга манзур қилмоқ бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ардоқли шоира Эътибор Охунованинг ижодини кузатарканмиз, унинг дилкаш шеърлари оҳанрабо қўшиқларга жо бўлгани, меҳр-муҳаббатга лиммолим достонлари аллақачон эл эътиборига тушиб, меҳрини қозонганини дилдан ҳис этамиз.

Яқинда Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи шоиранинг «Умр фасллари» номли сайланмасини нашр этди. Ушбу салмоқли тўпламдан шоиранинг турли йилларда ёзилган энг сара ижод намуналари ўрин олган. Китобга Ўзбекистон Халқ шоири Жуманиёз Жабборов сўзбоши ёзган. «Бир томчи тиниқ сувда бутун коинот акс этади деганларидек, Эътибор Охунова лирикасида ҳам хилма-хил туйғулар жилосини кўриш мумкин, — деб ёзади жумладан у. — Унинг юрак тароналарида табассум ва қувонч, дўстлик ва севги, ҳаяжон ва сокинлик, дард ва масъуллик туйғулари бир-бирига чирмашиб кетади, бир-бирини тўлдиради... Шоиранинг ўзи таъкидлаганидек, унинг умри шамчироқ, тунлари бедор нур сочади, ҳар сатрида ёшликнинг, инсонийликнинг азиз ҳислари ялтираб нақшлана боради.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу сайланма шоиранинг узоқ йиллик ижоди самараси дейиш мумкин. Эътибор Охунованинг адабиётимизга, маънавиятимизга қилган хизматларини унинг беқиёс меҳр уфуриб турган «Тонгда», «Марҳабо, баҳор», «Хаёлимдасан», «Кўнгил мулки», «Лирика», «Қиз ҳусни», «Сунбула», «Эй кўнгил, гул бўл», «Дил маҳзани ичра» каби талай шеърий тўпламлари, шунингдек, қатор тиллардан қилган таржималаридан ҳам кўриш мумкин. Эътибор Охунова шеърларида она диёримизнинг гўзаллиги, халқимизнинг ардоқли туйғулари, чин инсоний фазилатлари жўшқинлик билан куйланади. Ҳар бир шеъри замирида шоиранинг бедор қалб туғёни, беқиёс меҳр олами, дунё ташвиши билан яшаётган уйғоқ инсоннинг руҳий кечинмалари яққол акс этиб туради.

Ўйлаймизки, Эътибор Охунованинг ушбу «Сайланма»си ҳам китобхонлар қалбидан муносиб жой олади.

Жасур ҲУСАНОВ.

Турмуш маданияти

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ...

ёки баъзи хонадон эгаларининг табиий газдан нотўғри фойдаланишлари оқибати хусусида

Инсоннинг ҳаётда энг биринчи кашфиёти — олов бўлса-да, у ҳануз энг хавфли ёв ҳам бўлиб қолаётгани сир эмас. Тандирдаги ёки ўчоқдаги оташми, кутилмаган алангами ва ёки табиий газ оловими — барибир, олов — олов-да, халқ таъбири билан айтганда, тилсиз ёв.

Биласиз, табиий газдан фойдаланиш инсон учун қулайлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда республикамизнинг энг чекка қишлоқлари ҳам табиий газ билан деярли таъминланган. Аммо одамлар баъзан унинг хавфли «ёв»лигини ҳалиҳануз чуқур идрок этмайдилар.

Шунинг учун ҳам, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, маҳалла профилактика нозирлари, газ идоралари ходимлари бу борада биргаликда фаол саъй-ҳаракат олиб бормоқдалар. Аниқроғи, фуқаролар томонидан хонадонларда, иш жойларида, шахсий ошхоналарда ўзбошимчалик билан газ қувурига улаб олинган резина шланглари, қоидага зид равишда ишлатилаётган ясама мосламаларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар, қатор қўшма рейдлар ўтказмоқдалар.

Рейдлар давомида корхона, ишлаб чиқариш масканлари, фуқароларнинг яшаш жойлари қайта текширувлардан ўтказилмоқда. Мана шу жараёнда аниқланган носоз газ ускуналарни қўллаш, газ мосламаларини ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига хилоф равишда резина шланглар улаш, иситиш печларининг носоз мўриларидан фойдаланиш каби ҳолатлар бартараф этилмоқда.

Шунингдек, айрим фуқаролар ҳовлиларида жойлашган иссиқхоналарда газдан ноқонуний фойдаланаётганлиги ва бошқа «ўғринча» йўллар билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслиги, оқибатда қўни-қўшнилари ҳаёти ҳамда мол-мулкини хавф остига қўйиб келаётганлиги ҳолатлари аниқланмоқда.

Оддий мисол, жорий йилнинг ўтган ойларида туманимиз ҳудудида содир бўлган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, айнан газ ускуналари ва печларидан фуқароларнинг нотўғри фойдаланишлари, ота-оналарнинг ёш болаларига ишониб газдан фойдаланишларига рухсат беришлари оқибатида 22 та ҳолатда ёнғинлар содир бўлди.

Ёнғинлар оқибатида фуқароларнинг турли даражада куйиш, тан жароҳати олиш ҳолатлари кузатилди. Ҳатто ёнғинда куйиб, жароҳат олган ёш болалар бир умрга ногирон бўлиб қолган ҳоллар ҳам бўлди. Энг ачинарлиси, ёнғинлар сабабли айрим фуқаролар, ҳатто ёш болалар аланга чангалида бевақт ҳаётдан кўз юмдилар.

Гарчи кунгилсиз бўлса-да, тасаввур этинг, одамлар не-не орзу-умидлар билан иморат қуришади, яхши кунимизга деб мол-мулк тўплашади. Аммо бир лоқайд қилмишдан уларнинг ҳаммаси ёниб кулга айланади, хонадонлар эгалари бошпанасиз қолишади...

«Олов балоси» шунчаки табиий офат эмас, унинг олдини олиш, сақланиш, муҳофазаланиш имконига эгамиз. Афсуски, баъзи кишилар онгида ҳали-ҳали «ўт балоси», «буям бир кўргилик» деган нотўғри тушунчалар мавжуд. Хавфли томони — баъзилар ёнғин олдини олиш — «ўт ўчирувчи»нинг иши, деб ўйлашади. Афсуски, ёнғин содир этилгач, уни ўчириш сўнгги чора эканлигини билишмайди.

Маҳалла, хонадон ва оилалардаги юксак турмуш маданияти — аҳоли осойишталигини таъминлашда муҳим омил. Қолаверса, одамларнинг ҳавас билан қурган ҳашаматли уй-жойлари маҳаллаларимиз кўрки. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўзи ва ўзгалар ҳаёти ҳамда мол-мулкини эҳтиётлаш масъулиятини чуқурроқ англаши керак.

Анвар ЗИЁБЕКОВ,
Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани Ички ишлар бўлими Ёнғин хавфсизлиги бўлими катта лейтенанти.

МАВСУМИЙ ОРОМГОҲ ТАШКИЛ ЭТДИ

Янгийўл шаҳридаги 18-сонли махсус мактаб қошида жисмонан заиф болалар учун 10 кунлик оромгоҳ ташкил этилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумини мазмунли ва намунали ўтказиш мақсадида тегишли вазирлик ва ташкилотлар қаторида Қизил ярим ой жамияти ҳам ўз тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Мазкур дастур доирасида Қизил ярим ой жамияти кўнгилли ёшлари ташаббуси билан 25 июндан иш бошлаган мазкур оромгоҳда йигирма нафар ногирон болалар дам олмоқда. Кўнгли ўксик бу болажонларнинг яхши ҳордиқ чиқаришларида жамиятнинг Ёшлар маркази кўнгиллилари фаоллик кўрсатаётир.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси

Академия биносида капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича қурилиш ташкилотларини тендерга таклиф этади.

Тендер ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин.

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй.

Тел: 232-61-19, 232-61-36, 391-40-26

Огоҳ бўлайлик

ОВ ҚУРОЛИНИ

эсдалик сифатида сақлаб бўлмайди

Турсинали бобосидан отасига мерос бўлиб қолган эсдалик совғани яхши биларди. Уни бир неча марта яширинча сандиқдан олиб, томоша қилиб, яна жойига солиб қўйган. Лекин шу йилнинг қишида сабри чидамади. Кучли совуқ бўлишига қарамай, пешин соат бирларда уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, кўрпатўшакларни ағдариб, яна сандиқни очди. Ярим букилган, кўндаланг жойлаштирилиб, устига кийим-бош тахланган ов милтиғини олиб, ўқдонни халтага солди.

«Гулбоғ» маҳалласи бўйлаб юриб, Қорасув ёқасига борди. 16-калибрли милтиқ, ўқдонда эса 18 та отилган гильза, бир дона ўқ бор эди. У сўнгги ўқни жойлаб, нималарнидир нишонга олган бўлди. Ва ўқ овозини эшитгиси келиб, тепкини босди...

Эндигина ўн тўққиз баҳорни кўрган янгийўллик бўз йигит ўзига яхшигина эрмак топилганидан қувониб уйига қайтаётганида Ички ишлар ходимларига рўбарў бўлди. Кутилмаган учрашувдан чўчиган Турсинали қочди. ИИБ ходимлари эса уни уйига яқинлашганда ушлашди...

Турсиналининг отаси, 42 ёшли Турсунпўлат Маҳаматов ва холислар иштирокида баённома тузилди. Ҳақиқатан ҳам Турсунпўлат ака ўз уйида 16-калибрли 6143 рақамли, 18 та отилган гильза ва бир дона отилмаган ўқни сандиқда рухсатномасиз сақлаб келаётганлигига иқрор бўлди.

Шунингдек, ўтказилган махсус тадбир давомида Янгийўл тумани «Марказ» маҳалласида истиқомат қилувчи 53 ёшли Одилжон Аҳмаджонов ҳам ҳеч қандай рухсатномасиз ўқотар қуролни яширинча сақлаб келаётгани маълум бўлди. Холислар иштирокида баённома тузиш чоғида Одилжон отаси Х.Охуновдан қолган ва уни ҳеч қандай ҳужжатсиз эсдалик учун сақлаб келаётганини тан олди. 12-калибрли қўшоғизли ов милтиғини ноқонуний сақлаб келаётгани учун унга ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Тўғри, О.Аҳмаджонов отасидан қолган қуролни хотира учун сақлаб келган бўлиши мумкин. Аммо ов милтиғини рўйхатдан ўтказмасдан ноқонуний сақлаш ва ундан фойдаланиш исталган вақтда жиноят қуроли бўлиб, инсон ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Ўқ кимнидир, ниманидир нишонга олади. Қурол олиб юриш ва сақлашнинг белгиланган тартиб-қоидаси бор. Уни бузганлар эса қонун олдида жавоб беради.

Абдуқаюм МАҲКАМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг раиси.

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ

Республики Узбекистан объявляет конкурс торга на пошив нижеперечисленных предметов форменного обмундирования:

1. *Плащ-пальто (мужское, женское — ткань и фурнитура верха давальческая).*
2. *Куртка утеплённая (офицерская мужская, женская — ткань и фурнитура верха давальческая).*
3. *Куртка утеплённая с искусственным воротником (курсантская — ткань и фурнитура верха давальческая).*
4. *Куртка облегчённая (мужская, женская — ткань и фурнитура верха давальческая).*
5. *Костюм повседневный (мужской, женский — ткань и фурнитура верха давальческая).*
6. *Брюки навыпуск (ткань верха давальческая).*
7. *Юбка (ткань верха давальческая).*
8. *Сорочка — длинный-короткий рукав (мужская, женская — ткани верха и прокладочная давальческая).*
9. *Фуражка (ткань верха и прокладочная давальческая).*
10. *Пилотка женская (ткань верха давальческая).*

Срок подачи документов в течении 20 дней со дня выхода объявления.

Для получения дополнительной информации обращаться по телефонам: 120-76-00 (внутренний 26-15, 34-60)

Адрес: 100003, г.Ташкент, пр. Узбекистанский, 3

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8077 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 23.55
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda